



ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 18 ноябрь кун Оқсаройда Қозғистон Парламенти Мажлиси Раиси Жармахан Тўқбой, Қирғизистон Жокоргу Кенешининг Қонунчилик Йиғини Тўрағиси Абдуғани Эркешбаев ҳамда Халқ Вакиллари Йиғини Раисининг Уринбосари Сооронбой Жўнбеков, Тожикистон Мажлиси Олийсиининг Мажлиси Мидлисининг Раиси Мамадсаид Абдуллоев ҳамда Вакиллар Мажлиси Раиси Сайдулло Хайруллоевни қабул қилди.

Қўшни давлатлар парламентлари раҳбарлари «Марказий Осиё ҳамкорлиги» ташкилотининг парламент саммитида

қатнашиш учун мамлакатимизга ташриф буюрган. Ташкилламоқ жонки, минтақа мамлакатлари раҳбарларининг учрашувлари бундай йиғиннинг ташкил этиш ҳақида кўп таъкирланган, лекин гоёни бевосита ҳаётта жорий қилишда силжиш бўлмай келаётгани. Шу йил 5-6 октябрь кунлари Душанбеда ўтказилган сўнгги саммитда Президент Ислам Каримов ташаббуси билан Тошкентда парламент вакилларининг анжуманини ташкил этишга келишиб олинди.

Ислам Каримов меҳмонларни юртимизга ташрифи билан қутларкан, мазкур учрашув нафақат «Марказий Осиё ҳамкорлиги»га аъзо мамлакатлар, балки минтақамизнинг барча давлатлари учун ҳам қатъият билан эътиборини таъкидлади. Уларнинг яқин ҳамкорлиги ҳар қандай жабҳаддаги алоқалар самардорлигини ошириши исбот талаб қилмайдиган ҳақиқатдир.

Учрашувда Марказий Осиёда интеграция жараёнининг ривожлантириш, кўп томонлама ҳамкорликнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, парламентлараро алоқаларни рақам топириш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

(Ў.А.)
СУРАТЛАРДА: қабул пайти.
Абдувоҳид Тўраев олган суратлар.

МОҲга аъзо мамлакатлар парламентлари вакилларининг учрашуви

18 ноябрь кун Тошкентда «Марказий Осиё ҳамкорлиги» ташкилотига аъзо мамлакатлар парламентлари вакилларининг биринчи учрашуви ўтказилди. Анжуманда Қозғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Ўзбекистон пре-

зидентларининг учрашув қатнашчилари Табригини Олий Мажлис Раиси Э.Халилов ўқиб эшиттирди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раиси Э.Халилов, Қозғистон Республикаси

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Республика банк кенгашини тузиш тўғрисида

Иқтисодий ислохотлар янада чуқурлаштирилиши ва банк тизимини эркинлаштирилиши таъминлаш, банк қонунчилигини такомиллаштириш, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки фаолиятини ташкил этиш даражаси ва самардорлигини ошириш, республика тижорат банкларининг ривожланишига ҳамда барқарор фаолият кўрсатишига кўмаклашиш мақсадида:

1. Республика банк кенгаши тузилсин.
- Белгиланган кўрсаткичлар билан Республика банк кенгаши доимий ишловчи коллегия орган бўлиб, ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Президентига ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига ҳисобот беради.
2. Республика банк кенгашининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат этиб белгилансин: банк тизимини янада ислох қилиш ва эркинлаштириш, банк қонунчилигини такомиллаштириш буйича тақлифлар ишлаб чиқиш; мунтазам таҳлил асосида макрониктисодий ва бюджет сисэати билан ўзаро боғлиқ бўлган пул-кредит сисэатини шакллантириш ва амалга ошириш буйича таъсирлар ишлаб чиқиш, шу сисэатнинг иқтисодий ва жамият ҳаётининг барча томонларини ислох қилиш мақсадида вазифаларини ҳамда устувор йўналишларини, мамлакатнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришга доир қабул қилинган комплекс дастурларга мувофиқлигини аниқлаш; миллий валютанинг барқарорлигини таъминлаш, пул тизимини мустаҳкамлаш, пул массаси-

нинг ўсишини чеклаш ҳамда банкдан ташқари айланмани камайтириш, пул айланмасида нақд ва нақдсиз пул массасининг мақбул нисбатини таъминлаш буйича тақлифлар тайёрлаш; республиканинг банк тизимини ҳамда банклараро муносабатлар механизмларини ривожлантириш ва такомиллаштириш, тижорат банкларининг мустақиллигини, улар фаолиятининг ишончлилигини ва барқарорлигини ошириш, уларнинг халқро кредит рейтингини кўтариш, халқро молия-кредит тизимига кенг қўламада қўшилиш борасидаги чора-тадбирларни ишлаб чиқиш.

3. Республика банк кенгаши тўғрисидаги Низом тасдиқлансин.
4. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Марказий банки манфатардор тузилмалар билан биргаликда бир ой мuddада амалдаги қонунчиликка ўшбу Фармондан келиб чиққан ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги тақлифларни Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин.
5. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат махсудатчи-си В.Голлишев ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси Ф.Муллажонов зиммаларига юклатилсин.

Пойтахтнинг қоқ марказида жойлашган «МУМ» ҳозирги «Тошкент университет» дўконини билдирган одам кам бўлса керак. Айниқса, кейинги йилларда пул дўкон биноси замонавий усулда қайта таъмирлангандан кейин у абсарой кўркам бўлиб, ўзига хос маҳабат касб этди. Бошқача айтганда, ҳозирги кунда ана шу университет хорижий мамлакатлардаги манаман деган савдо мажмуаларидан ҳар жиҳатдан устун бўлса устунки, асло кам эмас.

Одатда дўкон борки, аввало, у харидорлар билан файзли. Бунинг учун, албатта, пештахталар доимо турли-туман

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ
Тошкент шаҳри,
2002 йил 15 ноябрь.

«Марказий Осиё ҳамкорлиги» ташкилотига аъзо мамлакатлар парламентлари вакилларининг биринчи учрашуви қатнашчиларига

Қадрли дўстлар!
Сизларни давлатларимиз ўртасидаги муносабатлар, минтақада кўп қиррали интеграция жараёнининг ривожлантириш ва мустаҳкамлаш тарихида янги саҳифа очётган «Марказий Осиё ҳамкорлиги» ташкилотига аъзо мамлакатлар парламентлари вакилларининг биринчи учрашуви муносабати билан чин юракдан қутлаймиз!

МОҲга аъзо мамлакатлар парламентлараро ҳамкорлигининг янада кенгайтириш ва давлатларимизнинг ташки сисэатини устуворликка олишга, ўзаро келишувларга, умумий тарихий илдишлар, аънавалар, маданиятга эга тўрт қардош халқ манфаатлари ва умидларига тўла мос келади.

МОҲга аъзо мамлакатлар парламентлари вакилларининг бундай нуфузли анжуманининг ўтказилиши ўзаро манфаатли алоқалар жадал ривожланиб бораётгани ва давлатлараро муносабатларнинг минтақада тинчлик ва дўстликни мустаҳкамлашга қаратилган янги-янги шакллари мунтазам излаб топишига бўлган иштирокчи раҳбарларнинг алоқаларини рақам топириш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

(Ў.А.)
СУРАТЛАРДА: қабул пайти.
Абдувоҳид Тўраев олган суратлар.

тида жамиятни демократия ва қонун устуворлиги тамойиллари асосида ислох этишда улкан аҳамият касб этмоқда. Мустақил ривожланиш йилларида қабул қилинган қонун ҳужжатлари давлатларимиз суверенитети ва янги жамият қурилишининг мустаҳкам ҳуқуқий кафолатига айланди.

Ҳозир барча муҳим давлат масалалари турли сисэат кучлар ва аҳолининг ижтимоий қатламлари вакилларидан иборат парламент орқали ҳал этилмоқда. Ҳақиқий парламентаризм қонунчилик ҳокимиятининг олий органидаги ўз вакиллари орқали давлатни бошқаришда амалда иштирок этиш имконияти сиз чинакам халқ ҳокимияти бўлиб олмаслиги тўғрисидаги шубҳасиз ҳақиқат фуқаролар онгида узил-кесил қарор топди.

Биз мамлакатларимиз парламентлари вакилларини ўзаро манфаатли масалалар, «Марказий Осиё ҳамкорлиги» ташкилотининг доирасида қабул қилинган қарорларнинг амалга оширилиши мониторингини буйича парламентлараро алоқаларни фаоллаштиришга даъват этамиз.

Умид қиламизки, парламент фаолияти оид мамлакатларимизда орттирилган амалий тажрибаларни биргаликда мушоҳада этиш ютуқ ва камчиликларни яхшироқ кўриш, қонун яратиш фаолиятининг янги шакл ва услубларини эгаллаш ҳамда қонунчилик ҳокимиятининг олий органлари ривожига замонавий йўналишларни аниқ кузатиб бориш имконини беради.

Сизларга халқларимиз фаровонлиги ва давлатларимиз рақам йўлидаги ишларини яхшироқ билиш, парламентга оид фаолиятини яхшироқ билиш, муваффақиятлар тилаймиз!

- Қозғистон Республикаси Президенти Н. НАЗАРБЕКОВ
- Қирғизистон Республикаси Президенти А. АКАЕВ
- Тожикистон Республикаси Президенти И. РАҲМОНОВ
- Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

Банк-молия соҳасидаги тадқиқотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

Республика молия-банк тизимини ривожлантириш тенденциялари ва қонунчиликни чуқур ўрганиш, молия ва банк тизимини ривожлантириш, янада ислох қилиниши ва эркинлаштирилиши пронозаларини мустаҳкам илмий-методологик базасини яратиш, мамлакат иқтисодий ислох қилиш ва ривожлантиришнинг асосий устуворликларини ва мақсадида вазирлар маҳкамаси охиришга йўналтирилган пул-кредит сисэатини шакллантиришга доир тақлифлар ишлаб чиқиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси ҚАРОР ҚИЛДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Молия вазирлиги, Ўзбекистон банклар уюшмасининг Банк-молия тизимини ривожлантириш ва эркинлаштириш пронозаларини институти (кейинги ўринларда Институти деб юритилди) ташкил этиш тўғрисидаги тақлиф қабул қилинсин.
2. Қуйидагилар Институтининг асосий вазифалари этиб белгилансин: республика банк-молия тизимини ривожлантиришнинг ҳозирги ҳолатини чуқур изчил таҳ-

лил қилиш, банк-молия тузилмалари фаолиятининг жаҳон тажрибасини ўрганиш ва шу асосда банк тизимини янада ислох қилиш ва эркинлаштириш, банк қонунчилигини такомиллаштириш буйича тақлифлар тайёрлаш; банк-молия тизимини ривожлантириш ва ислох қилишнинг макрониктисодий ва бюджет сисэати билан ўзаро узий мувофиқлаштирилиши, иқтисодий ислох қилишнинг мақсадида вазирлар маҳкамаси йўналишларига, мамлакатнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг қабул қилинган комплекс дастурларига мувофиқ бўлган стратегиясини ишлаб чиқишда қатнашиш; пул-кредит муносабатларининг ривожланиш тенденцияларини ва пул муомаласи механизмларини чуқур ўрганиш, пул агрегатларини макрониктисодий кўрсаткичлар билан ўзаро боғлиқ ҳолда таҳлил қилиш, пул массаси ўсишини чеклаш, банкдан ташқари айланмани қисқартириш, пул тизимини

Ўзбекистон истеъмол товарлари

ишлаб чиқариш ҳажми янада кўпайиб, уларнинг асортименти кенгайди ва ички бозоримизни тагинда сифатли, рақобатбардошли бундай маҳсулотлар билан юқори даражада тўлдириш таъминланади

Пойтахтнинг қоқ марказида жойлашган «МУМ» ҳозирги «Тошкент университет» дўконини билдирган одам кам бўлса керак. Айниқса, кейинги йилларда пул дўкон биноси замонавий усулда қайта таъмирлангандан кейин у абсарой кўркам бўлиб, ўзига хос маҳабат касб этди. Бошқача айтганда, ҳозирги кунда ана шу университет хорижий мамлакатлардаги манаман деган савдо мажмуаларидан ҳар жиҳатдан устун бўлса устунки, асло кам эмас.

Одатда дўкон борки, аввало, у харидорлар билан файзли. Бунинг учун, албатта, пештахталар доимо турли-туман

роғи, шартнома асосида республикамиз ҳудудида фаолият кўрсатаётган 270 тадан зиёд корхоналардан келтирилган ранго-ранг товарлар харидорларга тақдим этиляпти. Савдо-сотик ишлари эса кўнгилдагидек. Хусусан, одамлар «Олтин дери» Ўзбекистон — Туркия қўшма корхонасининг турмадан тикланган кийим-кечаклари, «Тон» ва «Юлдуз» акциядорлик жамиятларининг пальталари, калта камзуллари ва костюм-шмилари, «Космос-Текман» Ўзбекистон — Туркия қўшма корхонасининг жун газламалари, «Тошқўқмачи» ва «Бухоротеке» акциядорлик жамиятларининг ип газламалари, «Малика», «Агам», «Гурлан», «Қиштек» акциядорлик жамиятларининг трикотаж буюмлари, «Киб», «Дарига», «Янги Вега», «Стиль», «Усалман» қўшма корхоналарининг пойабзаллари, шунингдек, «Тошмарғ» акциядорлик жамияти, «Тошкентсуг» ва «Сундус» қўшма корхоналари, «Бўйотмаксисаноат» уюшмаси ва «Узметсавабзотуумасаноат» ҳолдинг компаниясининг озик-овқат маҳсулотлари, мураббаларни компютерлари бажонидил харид қилмоқдалар.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг НАТО-Евроатлантика ҳамкорлик кенгаши саммитидаги иштирокига доир

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 2002 йил 21-22 ноябрь кунлари Прага шаҳрида бўладиган НАТО-Евроатлантика ҳамкорлик кенгаши саммити ишида иштирок этади.



Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг иккинчи чакриқ Олий Мажлисининг тўққизинчи сессиясидаги маърузасида белгиланган вазифалар амалга оширилишини таъминлаш мақсадида тузилган «Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятининг асосларини шакллантириш масалалари буйича парламент комиссиясининг навабатдаги йиғилиши 15 ноябрь кун бўлиб ўтди. Йиғилишнинг иштирокида Олий Мажлис Раисининг уринбосари Б. Бугров олим боради.

Йиғилиш қатнашчилари Мустақилликни ҳимоя қилиш ва мустаҳкамлаш, мамлакат хавфсизлиги ва барқарорлигини таъминлаш концепциясини лойиҳасини муҳокама этишди. Бу ҳужжат Ўзбекистон Республикаси Президентининг қонунчилик қўмитасининг қарарига асосланган равишда қабул қилинган бўлиб, унинг амалга оширилиши билан мамлакатимизнинг демократик ўзгаришлари янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятининг асосларини шакллантириш масалалари буйича парламент комиссиясининг навабатдаги йиғилиши 15 ноябрь кун бўлиб ўтди. Йиғилишнинг иштирокида Олий Мажлис Раисининг уринбосари Б. Бугров олим боради.

Йиғилиш қатнашчилари Мустақилликни ҳимоя қилиш ва мустаҳкамлаш, мамлакат хавфсизлиги ва барқарорлигини таъминлаш концепциясини лойиҳасини муҳокама этишди. Бу ҳужжат Ўзбекистон Республикаси Президентининг қонунчилик қўмитасининг қарарига асосланган равишда қабул қилинган бўлиб, унинг амалга оширилиши билан мамлакатимизнинг демократик ўзгаришлари янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятининг асосларини шакллантириш масалалари буйича парламент комиссиясининг навабатдаги йиғилиши 15 ноябрь кун бўлиб ўтди. Йиғилишнинг иштирокида Олий Мажлис Раисининг уринбосари Б. Бугров олим боради.

Навойи кунда керак

Алишер Навоийдан тилимизнинг бирон-бир жиҳати "қочиб" қутулмаган кўринида. Чунки шеър ўзи, асли, тил гузаллигидан фойдаланиб, бирор фикр, мулоҳаза, хис-туйғу, муносабатни таъсирчан ифодалаш воситаси-да. Айнан шунинг учун ҳам аср-асрлардан буён ижод аҳли орасида: "Шеърни таржима қилиш мумкин эмас ёки қийин, ҳатто, шарт эмас", — деган мулоҳазалар юради. Гап шу ҳақда.

Ўзбек эртаклари, ҳаммамиз биламизки, "Бир бор экан, бир йўқ экан..." — дея бошланади. Баъзи бирларида унга яна қанча сажъли "улама"лар қўшиладики, бизнинг ҳозирги айтмоқчи бўлган фикримиз учун буларни келтириб ўтириш шарт эмас. Чунки болаларга эртак эшитмай ўсган одам кам топилди.

Халқнинг халқлиги шундаки, бешолти аср илгари ҳам ота-боболаримиз эртани худди ҳозиргидек бошлашган экан.

Шоир эҳсири, Навоий бундан усталик билан фойдаланиб, бир гузал фард битади:

Белу оғзини, дедиларкам, **демак афсона,**

Бошладим фикрларим: **"Бир бор эди, бир йўқ эди..."**

Фард — араб тилида "ягона", "ёнига", "битта" деган маънони англатади. "Фарида", "Фарида" исмлари ҳам ана шу маъносига кўра қўйилди.

Адабий атам сифатида у мумтоз адабиётимиздаги энг кичик жанрни билдиради. Фард — бор-йўти бир байтдангина иборат мустақил асар.

"Байт" — асли, "уй" дегани. Адабиётшуносликка эса икки мисрадан ташкил топилган байтни шу сўз билан аташган.

Фарднинг талаби — шу икчам шаклда бир муҳим фикр илгари сўриштириш ва чиройли баъдий ифодаланиш керак. Навоийнинг келтирилган фардада лирик қаҳрамон ёр ҳақда сўз юритилган. Ундан маъшумнинг бели билан оғзи

Беҳудуд майдон

борасида афсона айтишни сўрашганида, гўё шу захотиёқ: "бир бор эди, бир йўқ эди..." — деб гап бошлабди...

Шакдан шундай. Лекин моҳитан — ёнинг бели шу даражада ингичка, оғзи шу қадар кичкинаки, у бир кўриниб, бир кўринмас экан...

Навоий ижодида бир хусусият бор: кичик шеърларида қўлланган айрим баъдий-таъсирий усул дostonларида ҳам учрайди. Келтирилган фардни беэзаган "санъат" "Сабъийи сайёр" дostonидаги "Авалли иқлим йўлидан кетурган мусофирнинг афсона демаги" бобининг биринчи байтида қўлланади:

Бору йўқ чун дуоки билади — деди,

Деди: "Бир бор эди-ю, бир йўқ эди..."

Бу боб ахиллик, яъни саҳийлиكنи энг олий намунаси ҳақда. Ҳаляб шаҳрида яшайдиган бир чинакам аҳийнинг жуфти ҳоломи ҳинд шаҳзоаси Фар-рух дostonнинг хотини эканини билмаган ҳолда, севиб қолади. Аҳий ўз ёстиқ-донини ўша йигитга тортиқ қиладди. Қиз деб ўйлагани бу аёл ўша соҳибни хонадоннинг хотини эканини шаҳзода юр-

ро қофияга олинган: **Деди фикр айлабон муруват ила, Топти бу нуқтаи дунурут ила.**

2. Гир ана бу қадар муруват бор, Бизда ҳам шаймаи дунурут бор.

Қизик тасодифи қарангки, Навоийнинг шу икки сўз қофияга олиб ёзилган, аниқроғи, шу икки маънавий қадрият маъно-моҳияти тушунирилган алоҳида фарди ҳам мавжуд:

Муруват — борча бермакдур, **емак йўқ,**

Дунурут — борча қилмакдур, **демак йўқ.**

Табиий бир савол тузилади: нима, шоир аввал дostonнинг шу бобини битиб, кейин унинг тасвирида юқорида келтирилганимиз икки фардни ижод қилганими ёхуд «Хамса»дек улкан асар яратишга тайёргарлик жараёнида кўнглида ўтиришган гузал байтларни фард тарзида ижод қилиб боравертган-у, кейин «Хамса»да ўзининг шу баъдий топил-диқларидан бемалол фойдаланиб кета-верганими?

Бу саволга жавоб бериш учун аввал

Навоийдек шоир хопирасидан ўчиб кетармики! Ундай бўлса, нега бир дostonнинг айнан шу бобидан бир эмас, икки фарда баъдий-ифодавий жиҳатдан яқинлик пайло бўлиб қолди экан?

Ижодкор қавмининг унда-бунда олдин ёзган нарсаларини мутлақ қилиб, илҳомини қулайтириш «касали» бўлади. Тақдир тақдирга ундайли-да. Бир бобда бир йўла икки фарднинг тасвирини кўриб, эҳтимом, шоир шу бобга тайёргарлик жараёнида, дам олиш маъносидан бўлса ҳам, «Байойи-ул-биёла» дostonини варақатландир, деб ўйлаш мумкин.

Адабиётни тилдан, ёзма сўз санъатини халқ оғзакан ижоддан афори тасаввур қилиш мумкин эмас. Навоийнинг халқ оғзакан ижоддан тасвирлангани ҳақда махсус тадқиқотлар яратилган. Бирок бу кичкинагина бир далил шонининг эртакларимиздан қанчалар тасвирлангани, шу завқини ҳам, фарди ҳам дostonи-га муҳраб ўтганини кўрсатади.

Бобқадонимиз бизга бошқа жиҳат-

бир масалани ойдинлаштириб олиш керак: фардлар олдин яратилганими ёки «Сабъийи сайёр»?

Тилга олинган бу икки фард ҳам Навоий ўзи тузган биринчи девон — «Байойи-ул-биёла»га киритилган. Бу тўғрисида «Сабъийи сайёр»дан олдин тўғрисида берилган эди. Шунинг учун энди бошқа бир масалани аниқлаштириб олишга тўғри келади. Аввало, ўзи ёзган фардлар минг-минг байтни ёд билган



Султонмурод ОЛИМ.

Ислom обидалари билан танишув

Берлин Эркин университетининг ислomшунослик институти ва Ўзбекистон Республикасининг Германия Федератив Республикасидаги элчихонаси ташаббуси билан мамлакатимизнинг ГФРдаги дипломатик ваколтонхонаси биносидан «Ўзбекистон: ислom обидалари» фотоальбомининг тақдимоти бўлиб ўтди.

Тақдимотда ГФР Бундестаги депутатылари, вазирик ва идоралар масъул ходимлари, Германия илмий ва жамоатчилик доиралари вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикасининг ГФРдаги Факултода ва Мухтор элчиси В.Норов талбирни очар экан, ҳозир бўлган мустақилликнинг биринчи кунлариданоқ Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий масалаларни ҳал этиш билан бирга, жамиятнинг маънавий ва диний асосларини қайта тиклаш, мезморчилик санъати обидаларини асл ҳолига келтириш ва уларни келгуси авлодларга етказиш, динлар ва маданиятлараро мулоқотни чуқурлаштириш ва ривожлантиришга ҳукумат томонидан берилган алоҳида эътибор тўғрисида ахборот берди.

Тақдимот иштирокчилари талбирда қатнашган Ўзбекистон Республикаси Президентининг миллатлараро муносабатлар ва дин ишлари бўйича Давлат маслаҳатчиси З.Хуснидновнинг Ўзбекистоннинг маънавий ҳаётида амалга оширилган ўзгаришлар, мамлакат раҳбариятининг республикада диний уйғунликка эришиш, миллатлараро ўзаро тушуниш ва диний бағрикенгликни таъминлаш ва мустаҳкамлаш, шунингдек, мазкур фотоальбомни тайёрлаш тарихи ва бошқичлари тўғрисидаги чиқишини алоҳида эътибор билан тинглади.

Маймузада таъкидланишича, ушбу иш Марказий Осиё халқлари ёзма маънавиятини, хусусан, буюк мутафаккир ва алломаларнинг кўп асрли тарих, халқ ҳикмати ўзида мутасаммак этган адабиёт, санъат, сиёсат, этика, фалсафа, астрономияга оид бебаҳо қўлёзмаларини ўрганиш ва нашр этиш бўйича Ўзбекистон олимларининг эришган ютуқларини акс эттиради.

Тақдимотда жорий йилнинг июнь ойида Самарқандда бўлиб ўтган «Ислom ва дунёвий давлат» халқаро илмий-амалий симпозиум ишлага фаол қатнашган етук немис олими, Берлин Эркин университетининг Ислomшунослик институти директори, профессор Гулрун Крэмпер сўзга чиқди.

«Ўзбекистон: ислom обидалари» фотоальбоми унда катта қизиқиш уйғотганини таъкидлаб, профессор Г.Крэмпер тарихий мерос ва диний негизни қайта тиклаш, ўзбек халқининг ҳаққоний ва воқеий тарихини, хусусан, Амир Темур исми билан боғлиқ бўлган босқични акс эттириш бўйича республика ҳукуматининг саъй-ҳаракатларидан ўта таъсирланганини қайд этди.

Фикрининг ривожига ушбу тарихий шахснинг бунёдкорлик фаолиятида тўхталиб, Ўзбекистоннинг қадимий шаҳарлари, хусусан, Самарқанддаги мезморчиликка оид тарихий обидалар бунинг яққол далили эканлигини кўрсатди. Уларнинг асарияти айнан Амир Темур ва теурийлар даврида бунёд этилиб, дунё маданияти меросининг ноёб тўхфаси бўлиб қолди, — деди сўзининг ниҳоясида профессор Г.Крэмпер.

Ўзбекистонда диний муносабатларнинг айна пайтагидан билан танишганларини, ушбу диний меросининг маънавий баҳраманд бўлганларини алоҳида қайд эттиди.

Бундай талбирлар икки томонлама муносабатларнинг юксалишига ва айна пайтада Ўзбекистон — Германия давлатлараро мулоқотининг ижобий ривожланишига маънавий замин яратишга, шунингдек, Ўзбекистонда виждон ва диний эътиқод эркинлиги билан боғлиқ бўлган вазиятни ҳаққоний тафсиллашга қўмақ бериши иштирокчилар томонидан яққол далил билан таъкидланди.

Тақдимот давомида ушбу талбир учун махсус немис тилида тайёрланган ва мамлакатимизнинг ноёб осори атиқалари тўғрисида ҳикоя қилувчи «Ўзбекистон дурдоналари» видеофильми намойиш этилди.

«Жаҳон» АА.

Зулфияхоним қизлари

Наманган санъат коллежидан Зулфия номидан давлат муҳофизотида номзодларни саралаш танлови бўлиб ўтди. Танловнинг вилоят босқичида муқофотга даъвогар бўлган 65 нафар зукко қизлар ўзаро беллашдилар. Пировад натижада Г. Зокирова, Ф. Турсунова, Н. Саматова, Ф. Муродова, С. Шомансурова сингари илланувчан ёшларнинг ижодий ишлари танлов ҳайъатининг юқори баҳосига сазовор бўлди. Энг иқтидорли қизлар танловнинг республика босқичига йўланма олдилар.

МАКРОИҚТИСОДИЁТ ВА СТАТИСТИКА ВАЗИРЛИГИНИНГ СТАТИСТИКА ДАВЛАТ ДЕПАРТАМЕНТИ ВА БОЗОР МУНОСАБАТЛАРИ ЎҚУВ-КОНСАЛТИНГ МАРКАЗИ

томонидан Тошкент шаҳрида шу йилнинг 11-15 ноябрь кунлари «Корхоналар статистикаси» мавзусида семинар ўтказилди.

Семинар «ТАСИС» лойиҳаси асосида Европа статистикаси TES институти экспертлари — Франция статистика институти ва Украина Давлат статистика қўмитаси мутахассислари томонидан Статистика давлат департаменти, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти статистика бошқармалари мутахассислари учун ўтказилди.

Ўқув курсининг мақсади — статистика мутахассисларини давлат статистикасини ислоҳ қилиш шариоатида статистик кузатишлар халқаро услублари соҳасидаги билим даражаларини оширишдан иборат.

Семинар корхоналар статистикасининг умумий аспекти, иқтисодий ва таркибий кузатишлар, танлаб кузатишнинг услублари, кузатишда Европа қоидалари, регистрнинг сифати масалалари ва статистик кузатишлар услубларини тақомиллаштиришга тегишли бўлган бошқа масалалар муҳокама этилди.

ТАШКИЛОТ ВА КОРХОНАЛАР ДИҚКАТИГА!

ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА ВА ҚУРИЛИШ ҚЎМИТАСИ ПУДРАТ САВДОЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ (ТЕНДЕР) БЎЙИЧА РЕСПУБЛИКА БОШҚАРМАСИ

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ

қуйдаги ишчиликларга танлов савдолари (тендер) ўтказилишини эълон қилади.

1. Самарқанд вилояти, Нурабод тумани, Сарикўл қишлоғидаги бизнес-мактаб биносини касб-хўнар коллежига қайта таъмирлаш.
2. Самарқанд вилояти, Пайриқ тумани, «Туркистон» ширкат хўжалигидаги бизнес-мактабни маиший хизмат касб-хўнар коллежига қайта таъмирлаш.
3. Самарқанд вилояти, Оқдەر тумани, Даҳбед шаҳарчасидаги Самарқанд механика-иқтисодий коллежини маиший хизмат касб-хўнар коллежига қайта таъмирлаш.
4. Самарқанд вилояти, Иштихон шаҳридаги тиббиёт коллежини қайта таъмирлаш.
5. Самарқанд вилояти, Нарпай туманидаги 29-сонли миллий хўнарамандчилик лицейини касб-хўнар коллежига қайта таъмирлаш.
6. Самарқанд вилояти, Пастдарғом туманидаги «Пастдарғом» ширкат хўжалиги ҳудудидаги қишлоқ хўжалик касб-хўнар коллежини қайта таъмирлаш.

Буюртмачи: Самарқанд вилояти капитал қурилиш бошқармаси.
Манзил: Самарқанд шаҳри, «Кўк-Сарой» майдони, 2-«Г»-уй. Телефон: 35-82-86.

Қурилиш ишлари давлат инвестиция маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Ташкилот ва корхоналар қуйдаги шартларга: етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятлар ва материаллар захирасига, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуққа эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва тендер ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — пудрат савдоларини ташкил этишининг (тендер) бўйича республика бошқармасининг Самарқанд вилояти филиалига мурожаат қилиш мумкин. Манзил: Самарқанд шаҳри, «Кўк-Сарой» майдони, 2-«Г»-уй. Телефон: 31-13-51.

Бир тўплам тендер ҳужжатининг нархи — 32000 сўм.

Тақлифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридagi манзилда қабул қилинади. Тақлифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчиси тақдим этишининг охири мuddати — оферталар очилиш кунга ва соати.

Тақлифлар (оферталар) очилиш эълон матбуотида чоп этилгандан бошлаб 30 кундан кейин вилоят ҳокимлиги биносининг кичик мажлислар залда ўтказилади.

КОРХОНАЛАР, ТАШКИЛОТЛАР, УЛГУРЖИ ХАРИДОРЛАР, ТАДБИРКОРЛАР — БАРЧА ИСТЕЪМОЛЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

«ЎЗБЕКСАВДО» АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ярмарка савдосини ташкил этишни тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ,

2002 йил 22-29 ноябрь кунлари

Тошкент шаҳридаги «Юнусобод» теннис мажмуида

РЕСПУБЛИКА УЛГУРЖИ САВДО ЯРМАРКАСИ ЎТКАЗАДИ.

Ярмаркада: «Файз» холдинг компанияси, «Ўзкимёсанот» давлат акциядорлик компанияси, «Ўзбекқоғозсанот», «Ўзэлтехсанот», «Ўзмашсанот», «Ўзавтосанот», «Маҳаллий санот», «Хўнараманд» уюшмалари, шунингдек «Ўзқурилишматериаллари» компанияси, «Қизилқумнодирметаллолтин» концерни, Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Ўзпластитал» қўшма корхонаси, «Фонон» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги корхоналарида 2003 йилда ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар намойиш этилади.

Ярмаркада:

- ✓ **мебель ва мебель аксессуарлари,**
- ✓ **қоғоз ва қоғоз буюмлари,**
- ✓ **босма маҳсулотлари,**
- ✓ **мураккаб маиший техника,**
- ✓ **заргарлик буюмлари,**
- ✓ **«Тико» автомобиллари,**
- ✓ **қурилиш материаллари,**
- ✓ **лак-бўёқ,**
- ✓ **маданий-маиший ва хўжалик буюмлари,**
- ✓ **томорқа-боғдорчилик ашёлари**

ва бошқа ноозик-овқат маҳсулотлари тақдим этилади.

Ярмаркада 2003 йилда ишлаб чиқариладиган ана шу маҳсулотлар ва товарларни харид қилиш учун республикамиз ҳудудида жойлашган, мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча истеъмолчилар билан шартномалар тузилади.

Ярмаркага марҳамат!

Манзил: Тошкент шаҳри, «Юнусобод» теннис мажмуи.
Мўлжал: метронинг «Бодомзор» ва «Ҳабиб Абдуллаев» бекатлари оралиғида.
Ярмарка кенгашининг телефони: 139-46-97.

«ЎЗБЕКСАВДО» АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

Гузаллашаётган Нукус

Қорақалпоғистон Республикаси пойтахтининг мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий тараққиёти ва маданий-маърифий ҳаётидаги алоҳида ўрни, аҳамиятини ҳисобга олиб, Вазирлар Маҳкамаси жорий йил кузида Нукус шаҳрининг кутлуғ тўйини нишонлаш юзасидан қарор қабул қилган эди. Утган даврда мазкур қарор бўйича кўламли ишлар амалга оширилди. Айни кунда бу ерда тўйга тайёргарлик тадбирлари охирига етказилмоқда.

Тўй қилади яна бир улус

Маъмурий-маданий аҳамиятига кўра мамлакатимизда олдинги ўринларда турадиган Нукус шаҳри ҳақида сўз юритишдан аввал ўлканинг олис ўтмишига бир назар ташлаш фойдалан холи бўлмас. Биз бу масалада анча йиллардан бери Куйи Амударё воҳасидаги кўп қабатли археологик қазилмаларда иштирок этиб келадиган қорақалпоғистонлик олим, тарих фанлари доктори Файритдин Хужаниёзовга мурожаат қилдик.

Археологик ашёлар билан ўз изоҳини топган.

Нукуснинг чин маънода гуллаб-яшнаши истиқлол йилларига тўғри келди. Бугунги кунда Нукус 200 квадрат-километр майдонни эгаллаб, аҳолиси 261459 кишини ташкил этади. Шаҳарда ўнлаб йирик sanoat корхоналари, шу жумладан, 20 та қўшма корхона мав-

Фаннинг фундаментал масалалари билан биргаликда асосий эътибор Оролбўйи худудида вужудга келган биологик ҳолат, тиббиётнинг долзарб муаммолари, Қорақалпоғистоннинг олис ва яқин ўтмишини объектив ташкил этишга қаратилмоқда.

Қорақалпоғистон пойтахтида 43 та умумтаълим мак-



стон давлат санъат музейининг янги биноларидир. «Шу кунгача мамлакатимиз ва ундан ташқарида 150 тадан ортиқ муҳим бинолар, иншоотларнинг тарҳини чизганман, — дейди Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган меъмор Уринбой

Қорақалпоғистон давлат университетига оид экспонатлар ҳам музей бисотини тўлдирмоқда.

Нукуснинг кутлуғ тўйи нишонланганидан кунда И.В.Савицкий номидаги Қорақалпоғистон давлат санъат музейининг замонавий биноси фойдаланишга топширилди. Мазкур объект кўп йиллардан буён битмаётганди. Вазирлар Маҳкамаси қарорига кўра ана шу қурилишга 820 миллион сўм ажратилган эди. Айни дамларда бинода сўнгги пардозлаш ишлари нирҳосига етмоқда. Гап шундаки, Қорақалпоғистон давлат санъат музейи экспонатларининг кўпчилиги ва аҳамияти бўйича Марказий Осиёда етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. 1966 йилда ташкил этилган бу музейда тасвирий, амалий халқ санъати, ҳайкалтарош, тарих, археология, этнография ва бошқа соҳаларга доир 90139 та экспонат бор. Тасвирий санъат бўлимида Урол Тансикбоев, Н.Қарахан ва бошқа таниқли мўйқал усталарининг ноҳир асарлари жамланган. Ўзбекистон Бадийи академияси академиклари Ж.И.Зенитов, Ж.Қуттимуратов, И.Бердимуратов, И.Савицкий, Қ.Саипов, В.Сережеев ва бошқаларнинг асарлари музейнинг беқиёс бойлиги ҳисобланади. Қорақалпоғ халқининг асарлар давомида яратган халқ амалий санъати намуналари ҳам тўпланган. Музей экспонатлари Германия, Франция, Италия ва бошқа мамлакатларда намойиш этилди. Энди мана шу бойликлар жаҳон андозаларига жавоб берадиган музейга сакланди.

— Нукуснинг кутлуғ тўйи бир олжанов ниёта, яъни мушаккиллигинингизни тақдирда, шаҳарлар ҳақида нақадар чуқур мазмун касб этганини намойиш этишга хизмат қилади, — дейди Нукус шаҳри ҳокими, Олий Мажлис депутати И.Қалмуратов. — Биз эса Нукусни янада гузал, фаровон қилиш борасидаги ишларимизни давом эттиравемиз!

Янгйбой ҚҮЧКОВ, «Халқ сўзи» мухбири.



жуд. 2002 йилнинг 9 ойи давомида Нукус sanoati 10,5 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарди. Халқ истеъмолчи моллари ишлаб чиқариш ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 17 фоизга кўпайди.

Нукус мамлакат илм-фан тараққиётида етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Ўзбекистон Фанлар академиясининг Қорақалпоғистон бўлимининг академиклари С.Қамолтов, Т.Ешчанов, А.Давлетов, А.Ҳамидов, Ж.Бозоров, А.Бахиев каби ўнлаб фан докторлари, фан номзодлари қатори йўналишларда илмий-тадқиқот ишларини олиб бормоқдалар.

Таби, 18 та ўрта махсус ўқув юрталари, Бердақ номидаги Давлат университети, Ажиниёв номидаги педагогика институтини, Тошкент педиатрия тиббиёт институтини филиали фаолият ишлаб чиқариш ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 17 фоизга кўпайди.

Нукуснинг Қорақалпоғистон маданиятининг кўзгусидек аъшаси, мушаккил шарафати билан узуққа кўйилган кўз бўлиб икки ажойиб бино ярашиб турди. Бу Бердақ ва И.В.Савицкий номидаги Қорақалпоғи-

Турениёзов. — Ана шу меъморий лойиҳалар ичида Бердақ миллий музейи алоҳида ўрин тутди. Унга бутун маҳоратим, бутун меҳримни бердим, десам янглишмайман. Эндилкида у Нукуснинг ўзига ҳос рамзи бўлиб қолишига ишончим комил!»

Энг муҳими, музейда наинки қорақалпоқ халқи, балки бутун Марказий Осиё маънавияти тарихида ўз ўрнига эга бўлган улкан мушаккил Бердақ Қарғабой ўғли ҳаёти, ижодида дахлдор ноёб материаллар, ноҳир кўлэмалар тўпланган. Шунингдек, қорақалпоқ халқи, Қорақалпоғистон Республикаси ва Бердақ номидаги

Кўрғазмада акс этган тарих

Қорақалпоғистон Давлат ўлкашунослик музейида Нукус шаҳрининг тарихидан сўзловчи кўрғазма очилди. Қарийб 70 йиллик даврни акс эттирувчи ушбу кўрғазмада, шаҳарнинг таямал тошдан тортиб, бугунги кунгача бўлган тарихидан сўзловчи экспонатлар, суратлар ўрин олган.

«Ватан мадҳи»

Одатда ижодкор қалбини тўққилантирган, ўзига тинчлик бермай қозғоқ қоралашга мажбур қилган воқеа, ҳодиса туфайли қўлга қалам олади. Айнан шу ҳолатда яратилган асарлар кўпчилик эътирофига сазовор бўлади. Чунки у ижодкорнинг «огриғи»ни юзага келтирди.

Еш умидли расом Анвар Бобоқулов чизган суратлар ҳам кўпчиликнинг эътиборини тортаётгани рост. Она-Ватанга, қадридон заминга, жамиятга, саховатли табиғатга муҳаббатни бор унинг асарларида. Бир қатор кўрғазмаларда иштирок этиб, санъат илосманлари ва мутахассислар назарини тўшини ҳам шундан. Миллатимиз фахри бўлиши маънода расомлар Р.Аҳмедов, Б.Жалолов, Р.Чориевлар даражасига эришиш унинг

бирдан-бир тилангир. Машҳур расомлар ижодини қадрламай, уларни ўрганмай туриб ижодкор ўз эзгу мақсадига эриша олмайдиган деган ўй уни тинмай изланишига ундайди. Хуллас Камолдин Беход номидagi расомлик ва дизайн мислий институтининг битирувчиси А. Бобоқуловнинг орзу-ниятлари бир жаҳон.

Умидли ижодкорнинг яна бир ниёти яқинда амалга ошадиган бўлди. Шу йилнинг 16 декабрида Мирзо Улуғбек номидаги Миллий университет маданият саройида унинг «Ватан мадҳи» деб номланган бадийи кўрғазмаси очилди. Уйлашмики, кўрғазмага қўйилган асарлар томошабини берафқ қолдирмайди. Унга яхши маънода ниманидир тақдим этади.

Баҳодир ФАЙЗИЕВ.

«Халқ сўзи» «Народное слово»

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ

Тахрир хайъати:

Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»), М. ЕГОРОВ Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир Уринбосари — «Халқ сўзи»), С. МИРАЛИМОВ, С. МУХИДИНОВ, Ш. РИЗАЕВ, Р. САФАРОВ, И. ХУДОЁЕВ, И. ШОҒУЛМОВ, О. ҚАЙПБЕРГОВ (бош муҳаррир Уринбосари — «Народное слово»), Ҳ. ХОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:

Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34; 133-78-92
Иқтисодиёт — 136-36-65; 132-10-65
Маънавият ва маърифат — 136-35-60;
Газеталар билан алоқа ва минақалар — 136-29-89;
Фан, соғлиқни сақлаш, таълим ва туризм — 132-12-08;
Янгиликлар ва халқаро ҳаёт — 132-11-15;
Котибият — 133-10-28;
Эълонлар — 136-09-25.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00001-рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма Г — 977, 27225 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қозғоқ бичими А—2.

Газета тахририят компьютер базасида терилди ҳамда операторлар Ж. ТОҒАЕВ ва А. БОЛТАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — Ю. ҲАМИДОВ. Навбатчи муҳаррир — Қ. ЭШМАТОВ. Навбатчи — М. ЮСУПОВ. Мусаввир — М. СУЛАЙМОНОВА.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Тахририятда ҳажми 5 қозғоқдан зиёд материаллар қабул қилинади.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Босишга топшириш вақти — 21.00. Топшириш — 22.00
1 2 3 4 5 6

ДАВЛАТ АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ «АСАКА» БАНКИ бошқаруви банк тизимидаги филиаллар ва хизматчиларга мижозлар муносабатини чуқурроқ билиш мақсадида бош офисида «Ишонч» телефони ўрнатилганини билдиради. ИШОНЧ ТЕЛЕФОНИ ТОШКЕНТДА 120-81-44. Шундай телефонлар банк филиалларида ҳам ишлай бошлайди. Телефон қилинг, таклиф ва эътирозларингизни билдириңг.

«АНДИЖОНЭЛЕКТРОДВИГАТЕЛЬ» ХЖ кузатув кенгашининг 2002 йил 14 ноябрдаги қарорига асосан «АНДИЖОНЭЛЕКТРОДВИГАТЕЛЬ» ХЖ эмиссия проспектига акцияларни чиқариш шаклига (нақд шаклидан нақдсиз шаклига) ўзгартиришлар қилинган.

Шу муносабат билан «Андижонэлектродвигатель» ХЖ нақд шаклида чиқарилган барча акциялар эълон матбуотда чоп этилган кундан бошлаб, бир hafta мuddат ичида қуйидаги манзилларга топширилиши шарт: • Андижон вилояти, Андижон шаҳри, А.Йўлдошев кўчаси, 1-уй, «Андижонэлектродвигатель» заводи, телефон: (8-3742) 24-10-28. • Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 16-«А» уй, ДМОХР «Тошкент шўба банки, телефон: (8-3712) 56-09-01.

Белгиланган вақтда топширилмаган акциялар бекор қилинади. КУЗАТУВ КЕНГАШИ

Янги лаборатория очилди

Мамлакатимизда кўеи энергиясидан фойдаланиш истиқболларини таъминлаш йўлида кенг кўламли тадқиқот ишлари олиб боришмоқда. Бухоро Давлат университетининг бу боралдаги илмий фаолияти ҳам самарали бўлмоқда.

Кўеи энергиясини электр қувватига айлантириш, юқори ва паст ҳароратли кўеи қурилмаларини яратиш, таълим тизимида геолиттехника элементларини ўратиб қабил йўналишларда амалга ошириладиган изланишлар олий ўқув юрти илмий дастурида ўз ифоласини топди. Университет умумий физика кафедраси мудир, доцент Туроб Жураев томонидан олиб бориладиган тадқиқот Бухоро вилоятида кўеи энергиясидан фойдаланиш муаммолари ечимини топишда муҳим омили бўлиб хизмат қиладиганини ҳам айтиб ўтиш жоиздир.

Тўпланган бу каби бой илмий тахрирлар университетда «Гелиофизика ва кўеи энергиясидан фойдаланиш» деб номланган ўқув илмий лабораторияни ташкил этиш учун пухта замин яратди. Бу хайрли иш Ўзбекистон Фанлар академиясининг «Физика-Кўеи» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси билан ҳамкорликда амалга оширилди.

Янги лабораториянинг очилиши университет негизини ўтказилган «Кўеи энергиясидан фойдаланиш: муаммо ва ечимлар» деган мавзудаги республика конференцияси куларига тўғри келди.

Акбар АЛИЕВ.

Корхоналар, ташкилотлар, улгуржи харидорлар ва тадбиркорлар диққатига! 2002 йилнинг 20-27 ноябрь кунлари 2003 йилда ишлаб чиқариладиган ЕНГИЛ САНОВАТ МАХСУЛОТЛАРИНИНГ РЕСПУБЛИКА УЛГУРЖИ САВДО ЯРМАРКАСИ ЎТКАЗИЛАДИ.



- Ярмаркада
- ип,
 - шойи,
 - жун газламалар,
 - тўқимачилик ва чарм-атторлик маҳсулотлари,
 - кийим-кечаклар,
 - пойабзаллар,
 - гиламлар ва чинни буюмлар тақдим этилади.

МАНЗИЛ: ТОШКЕНТ ШАҲРИ, БОБУР Кўчаси, 45-уй. ИШ ВАҚТИ: СОВАТ 9.00ДАН 18.00ГАЧА.

Ташкилот ва корхоналар диққатига! ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА ВА ҚУРИЛИШ ҚўМИТАСИ ПУДРАТ САВДОЛАРИ (ТЕНДЕР)НИ ТАШКИЛ ЭТИШ БўЙИЧА РЕСПУБЛИКА БОШҚАРМАСИНИНГ АНДИЖОН ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ қуйидаги иншоотга танлов савдолари (тендер) ўтказилишини ЭЪЛОН ҚИЛАДИ. Андижон шаҳридаги медицина иншоотини қишлоқда 600 ўқувчи ўрнига мўлжалланган академик лицей ўқув биноси қурилиши ва 200 ўринли ётоқхона биносини қайта таъмирлаш. Қурилиш ишларини тугаллаш мuddати — 9 ой (2003 йил сентябрь).

Буюртмачи Андижон вилояти академик лицейлар қурилиши дирекцияси. Манзили: Андижон ш., 4-кичи дала. Телефон: 46-66-78.

Қурилиш ишларини молиялаштириш — давлат марказлашган капитал маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. Ташкилот ва корхоналар қуйидаги шартларга: етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятлар ва материаллар захирасига, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуққа эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт. Савдода қатнашиш ва тендер ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — пудрат савдоларини ташкил этиш (тендер) бўйича республика бошқармасининг Андижон вилояти филиалига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин. Андижон шаҳри, Б.Ҳакимов кўчаси, 14-«А» уй. Телефон: 24-72-79. Бир тўплан оферталарнинг нархи — 50 000 сўм. Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади. Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчиси тақдим этиш охириги мuddати — оферталар очилиш куни ва соати. Тендер савдолари эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 30 кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади: Андижон шаҳри, Б.Ҳакимов кўчаси, 14-«А» уй. Телефон: 24-72-79.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси жамоаси прокуратура фахрийси Бердӣёр АҲМЕДОВнинг вафоти, муносабати билан марҳумнинг она аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия ихор этади. Тошкент Тўқимачилик ва енгил sanoat институтини жамоаси «Тоғлар» кафедрасининг мудир, профессор Карим Эргашевга волидан муқтараман вафоти муносабати билан чуқур таъзия ихор этади. Тошкент Давлат юридик институтини жамоаси институтининг собиқ доценти, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист, фан арбоби Бердӣёр АҲМЕДОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг она аъзолари ва қариндошларига чуқур ҳамдардик билдиради. Тошкент Давлат юридик институтини жамоаси Криминалистика кафедрасининг доценти Қозоқ СУЯРОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг она аъзоларига чуқур ҳамдардик билдиради. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ядро физикаси институтини жамоаси институт доценти А. Раҳимбоевга онаси РОБИЯ аянинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия ихор этади. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Ядро физикаси институтини жамоаси академик Ш. Воҳидова турмуш ўртоғи Дилбар АКРОМОВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия ихор этади.